2006 ЙИЛ, 30 ИЮНЬ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 126 (10.683)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари институтини ривожлантириш мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди судьялари, Бош прокуратура, Республика Юристлар малакасини ошириш маркази ходимлари ва тингловчилар, ҳуқуқшунос-олимлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Тошкент Давлат юридик институти ҳамда UNICEF — БМТнинг халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликда «Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий ҳолати» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказилди.

● Кеча Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан «Истеъмолчиларга коммунал хизматлар кўрсатишда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг роли» мавзусида амалий семинар ташкил этилди. Семинарда коммунал хизмат кўрсатишда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти, истеъмолчи билан ширкатлар ўртасида ҳамда иссиқлик таъминоти хизмати сифатини оширишдаги муаммолар муҳокама қилинди.

● «Қўқонавтотеххизмат» акционерлик жамияти ҳузурида «Қўқонавтосавдо» МЧЖ иш бошлади. Ушбу замонавий мажмуада «ЎзДЭУавто» корхонасида ишлаб чиқарилган автомобиллар сотилади ва уларга техник хизмат кўрсатилади.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фото уйида «Табиат билан уйғунликда» мавзуида фотокўргазма очилди.

● Фарғона шаҳридаги Ёшлар маданият ва спорт марказида «Ёшлар гиёвандликка қарши» шиори остида фестивал ташкил қилинди.

● Жорий йил Жиззах вилоятида 2880 нафар мактаб ўқувчилари шаҳардан ташқаридаги 17 та ёзги дам олиш масканларида ҳордиқ чиқаришлари режалаштирилган. Шунингдек, 30 та мактаблар қошида ҳам оромгоҳлар ташкил этилган бўлиб, айни пайтда уларда фарзандларимиз ёзги таътилни мароқли ўтказишмоқда.

● Хоразм вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кенгаши ташаббуси билан «Саломатлик» спартакиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Урганч шаҳар қурилиш коллежи спорт мажмуида ўтказилган ушбу беллашувда қатнашчилар спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, кураш, тош кўтариш, арқон тортиш каби турлари бўйича беллашдилар.

● Бухоро шаҳридаги Сомонийлар маданият ва истироҳат боғида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб «Орамиздаги уйғоқ одамлар» деб номланган хайрия кечаси ўтказилди. Унда ёш ижрочилар, вилоят бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз дастурлари билан иштирок этишди.

ЖАҲОНДА

● Ирокда қатл этилган тўрт нафар россиялик дипломатларнинг қотилларини қидириб топиш ва уларни йўқ қилиш масаласида АҚШ Россия ҳукуматини қўллаб-қувватлашини ва бу борада ҳар қандай ёрдамга тайёрлигини билдирди. АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Адам Эрили Вашингтонда журналистлар билан ўтказилган брифингда шу ҳақда баёнот берди.

● Кувайтда парламент сайловлари бўлиб ўтмоқда. Илк бор ушбу мамлакатда аёллар ҳам овоз беришмоқда. Уларнинг овоз бериш нуқталари эркакларникидан алоҳида жойлаштирилган. Таъкидлаш жоизки, парламентдаги 50 ўринга 20 нафар аёллар номзоди қўйилган.

● Шу ҳафтада Черногория БМТнинг 192-аъзоси бўлди. Айтиш керакки, бир ой илгари Черногорияда ўтказилган референдумда мамлакат аҳолиси Сербиядан ажралиш масаласи юзасидан ўз фикрини билдирган эди. Ўтган куни эса БМТ Бош Ассамблеяси аҳолиси 650 минг кишидан иборат бўлган Черногорияни ташкилотга қабул қилди.

● Исроил ҳарбийлари Ғарбий қирғоқ ва Ғазо секторида Фаластин мухториятининг 8 нафар вазири ва парламентнинг 20 нафар депутатини қўлга олишди. Исроил томонининг бу амалиёти мамлакат армиясининг капрали Гилад Шалит, талаба Элиах Ашар ва 60 ёшли яна бир фуқаронинг фаластинлик жангарилар томонидан ўғирлаб кетилишига жавоб дея изоҳланмоқда. Исроил ҳукуматининг тахминича, бу ишларнинг остида ХАМАС сиёсий бюроси бошлиғи Холид Машалнинг қўли бор.

● Эрон миллий хавфсизлик Олий Кенгаши котиби Али Ларижоний яқин вақт ичида Испанияга бормоқчи. Хабарларга кўра Ларижоний Испанияда Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат ва хавфсизлик бўйича олий комиссари Хавьер Солана билан Эрон ядро муаммоси юзасидан музокаралар ўтказади.

● Германияда биринчи бўлиб кашандалар учун хизмат кўрсатадиган авиакомпания ташкил этилмоқда. Smokers' international Airline айни пайтда тамаки тутунида ҳам меҳнат қилишга рози бўлган стюардессаларни ишга қабул қилмоқда. Авиакомпания самолётлари келгуси йил 26 мартда ўзининг биринчи йўловчилари билан Дюссельдорфдан Токиога қараб йўл олади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **«КАМОЛОТ» ЁИҲ** Миробод туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунларининг мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун Тошкент ҳайвонот боғига экскурсия уюштирилди.

● **БУГУН** Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб спорт мажмуасида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида уюштирилган «Кўчма оммавий спорт ўйинлари» мусобақаларида «Эски шаҳар», «Кўкча», «Оқлон» маҳаллалари жамоалари ўзаро беллашди.

● **БУГУН** «Сархумдон» маҳалласида ёшларнинг сиёсий ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида маҳалланинг фаол ёшлари ҳамда Тошкент Давлат юридик институти талабалари иштирок этишди.

● **БУГУН**дан шаҳримиз мактаблари қошидаги оромгоҳларда дам олувчилар учун иккинчи мавсум бошланди.

● **КЕЧА** Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театрида санъат соҳаси вакиллари иштирокида уюштирилган давра суҳбатида шаҳримизга Иркутск шаҳар мусиқали драма театри актёрлари ташриф буюришгани ва бир неча кун давомида ўз спектакллари билан тошкентлик театр ихлосмандларини хушнуд этишга ҳозирланишаётгани таъкидланди.

● **РЕСПУБЛИКА** Рассомлик коллежида шаҳримиз ҳудудида жойлашган ҳайкалларни таъмирлашнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбирда ўқувчилар ҳамда битирувчи босқич талабалари иштирок этишди.

● **КЕЧА** Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Тошкент шаҳар 2-сил касалликлари шифохонасига Қизил Ярим Ой жамиятининг Мирзо Улуғбек туман Кенгаши ҳомийлигида кийим-кечаклар, дори-дармон воситалари туҳфа этилди.

● **ЎҚУВЧИЛАР** ва талабалар иштирокида Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ҳудудида ташкил этилган Беруний боғида ҳашар уюштирилди.

● **ТАЪЛИМ** самарадорлигини янада яхшилаш мақсадида Тошкент молия институти ҳамда пойтахт вилоятидаги ижтимоий иқтисодиёт коллежи ўртасида икки томонлама ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги ўқитувчилар иштирокида уюштирилган семинарда таъкидлаб ўтилди.

● **«ЁШЛИК»** талабалар шаҳарчасида талабалар иштирокида «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан уюштирилган давра суҳбати миллий қадриятларни ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш масаласига бағишланди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан туманнинг фаол аёллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида ўтказилган тадбирда аёллар бўш вақтининг сермазмун ўтишини таъминлаш, уларнинг жамият тараққиётидаги фаоллигини ошириш хусусида сўз борди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕКОР ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ҚОНУНЛАР, НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ПФ-3641- сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун ўз вақтида топшириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича 1-иловага мувофиқ ишчи гуруҳи тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи (Б.Мустафоев): бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони қоидаларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқсин ва бунда 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш учун уларни босқичма-босқич тақдим этиш зарурлигини ҳисобга олсин;

ушбу бандда кўрсатилган Жадвални ишлаб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Р-2310-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш мақсадида қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати»ни асос қилиб олсин;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш чоғида «умрбод қамоқ жазоси» ва «узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш» каби янгидан жорий этиладиган жазо турлари тушунчаси, шунингдек бундай жазо турлари учун тайинланиши назарда тутиладиган жиноятлар таркиби (моддалар рўйхати) аниқ ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратсин;

мазкур Фармойишда кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича вазирликлар ва идораларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини, ушбу қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги ишга малакали мутахассислар, шунингдек мамлакатимиздаги тадқиқот ҳамда таълим муассасаларининг етакчи эксперт ва олимлари жалб этилишини таъминласин;

ушбу Фармойишда кўрсатилган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш Жадвалининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда маълумот бериб борсин.

3. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг Котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 29 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОЙИШИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ПФ- 3641-сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш борасида мамлакат ҳукумати, адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда бошқа вазирликлар ҳамда идоралар, тадқиқот ва таҳлилий муассасалар томонидан каттагина ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноий жазони ва суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида қонунларни такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 19 августдаги фармойиши билан ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда унинг умрбод қамоқ жазоси ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш каби жазо турига алмаштирилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқланган. Шу билан бир қаторда янгидан жорий этиладиган жиноий жазо турлари ижро этилишини таъминлаш механизмлари пишиқтирилмоқда; янги жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ одил судловни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, судъяларни тайёрлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Мана шу ишларнинг барчасига юзлаб мутахассислар — нафақат юристлар балки иқтисодчилар, журналистлар, турли идораларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг экспертлари, олимлар, кенг жамоатчилик, жумладан маҳаллаларнинг вакиллари ҳам жалб этилган.

Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларини муҳокама этишга 238 телекўрсатув, 463 радиоэшиттириш, 270 дан кўпроқ газета ва журнал мақолалари бағишланди; 23 та илмий-амалий конференция, 148 семинар, 265 давра суҳбати ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)

Ёз — ўтмоқда соз

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШДИ

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ТАЪТИЛ КУНЛАРИНИ МАРОҚЛИ ЎТКАЗИШ УЧУН ЁЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИГА ЖАЛБ ЭТИЛГАН ЭДИ.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур тадбир Вазирлар Маҳкамасининг Қорақалпоғистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳамюртларимиз фарзандларидан 2500 нафарини Тошкент шаҳри корхоналарига қарашли пойтахт вилояти ҳудудларида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳларида бепул соғломлаштириш йўналтирилган махсус кўрсатмаси ижросини бажаришга қаратилган.

Маълумот ўрнида шуни айтишимиз лозимки, ёзги соғломлаштириш мавсумининг биринчи босқичида 13290 нафар болалар, шу жумладан, 461 нафар кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари, Меҳрибонлик уйларининг 283 нафар тарбияланувчилари, қорақалпоқ меҳнаткашларининг 1183 нафар фарзандлари мароқли ҳордиқ чиқардилар, соғлиқларини тикладилар. Ёзги дам олиш мавсумининг иккинчи босқичида эса қорақалпоқ меҳнаткашларининг фарзандларидан 210 нафари, учинчи босқичида 900 нафари, тўртинчи босқичида эса 310 нафари бепул йўлланмалар орқали соғломлаштиришга жалб этилади.

Кўни кеча, Тошкент марказий темир йўл вокзалида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги сўлим гўшаларда, «Ўзэлектроаппарат», «Оникс», «4-қурилиш трести» очиқ акциядорлик жамиятининг «Зафар», «Нурафшон», «Қуёшли», «В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг «Гулистон» ва «Тошкент шаҳар маиший хизматга кўмак» масъулияти чекланган жамиятининг «Меҳржон» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини мустаҳкамлаган қорақалпоғистонлик 540 нафар болажонлар ўз ота-оналари бағрига кузатилди.



Хидирали ПАНЖИЕВ олган сурат

СУРАТДА: Тошкент марказий темир йўл вокзалида ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқариб қайтган ўқувчиларни кузатиш маросимидан лавҳа.

Ҳакимжон Солиҳов

«ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ — 40 ЁШДА

Тошкент оқшоми

ЭРТАГА «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг биринчи сони чиққанига қирқ йил тўлади. Биз «Оқшом» газеталарини қўллаб-қувватлаб, унга мададкор бўлаётган барча мухлисларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Фармон ва ижро

САМАРАЛИ ЙЎЛЛАР ИЗЛАНМОҚДА

ҲАМЗА ТУМАН ҲОКИМЛИГИДА ҲАМЗА ВА БЕКТЕМИР ТУМАНЛАРИДА ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур тадбирда Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда жорий йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларининг ижроси хусусида сўз борди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ходимлари, пойтахтимизнинг барча туман ҳокимликларининг хотин-қизлар қўмиталари раислари, Ҳамза ва Бектемир туманлари маҳаллалари оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар қатнашди. Жумладан, йиғилишда мазкур туманларда фаолият юритаётган йирик корхоналар раҳбарлари, қатор ташкилот, муассасалардан мутасаддилар иштирок этди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова сўз олиб, барча мутасадди ташкилотлар раҳбарларини ушбу Фармонлар ижросини таъминлашда ўзаро ҳамкорликка чақирди. Муваффақиятлардан қониқмай изланиш, Фармонларнинг мазмун-моҳиятини жойларда чуқур тушунтириш, аёллар, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри ташкиллаштириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда туманлардаги аҳолининг бандлиги ҳамда банд бўлмаганларни иш билан таъминлаш масалаларига асосий эътибор қаратилди. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи Бадриддин Камолов, Ҳамза, Бектемир туманлари меҳнат бўлимларининг раҳбарлари Президентимизнинг юқоридаги Фармонлари ижросини таъминлаш юзасидан жойларда амалга оширилган ишлар ҳамда келгусига белгиланган аниқ режалар хусусида гапирдилар.

Йиғилишда қайд этилганидек, Ҳамза туманида жорий йилнинг 5 ойи давомида мониторинг натижаларига кўра ўз касб, мутахассисликлари бўйича ишлашни хоҳловчилар 1296 нафарни, Бектемир туманида эса 160 нафар аёлларни ташкил этган. Улардан Ҳамза туман меҳнат бўлимига 932 нафар, Бектемир туманидан 104 нафар хотин-қизлар мурожаат этишган. Ҳамза туманида 339 та, Бектемир туманида 131 та иш ўринлари яратилди. Шунингдек, Ҳамза туманида 134 нафар аёллар бош бошқармага қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказига касбга қайта ўқитишга юборилди.

Шу давр мобайнида Ҳамза туманида 248 та иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, амалда яратилган иш ўринлари меҳнат шартномаси асосида 370 тадан иборат бўлди ва режа 149,2 фоизга бажарилди. Жумладан, 15 та йирик корхоналарда касаначилик бўйича 292 та иш жойлари ташкил этилди. Туманда фаолият юритаётган «1-автокорхона» акциядорлик жамияти, «Тошкентвино», «2-темир-бетон заводи», «Лола», «АНАТ», «Семурғ», «Темирчи» каби корхоналарда касаначиликни йўлга қўйиш ишлари суст олиб борилаётгани таъкидлаб ўтилди.

Бундан ташқари, мутасадди ташкилотлар билан маҳаллалар ҳамкорлигини таъминлаш, айрим фуқароларнинг боқимандалик кайфиятини йўқотишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини самарали давом эттириш борасида аниқ тавсиялар берилди.

Қувонарлиси, йиғилиш давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутасаддилардан тегишли жавоблар олишди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОЙИШИГА ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги шу йил 29 июнда қабул қилинган Фармойишининг асосий вазифаси ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив- ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан, уни амалга оширишнинг якунловчи босқичида ташкилий ишларни кучайтиришдан иборатдир.

Бу ерда нима назарда тутилмоқда?

Биринчи. Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини маромига етказиш давомида турли касбларга, ижтимоий қатламларга мансуб минглаб одамлар шу хусусда билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни, шунингдек ушбу масала бўйича жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан киритилган таклифларни умумлаштириш ва эътиборга олиш.

Иккинчи. Ушбу мавзуда ўтказилган семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларининг натижалари ва тавсияларини умумлаштириш ҳамда улардан ўлим жазоси бекор қилиниши ва у умрбод қамоқ жазосига ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга алмаштирилиши муносабати билан республиканинг жиноят тўғрисидаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишда фойдаланиш.

Учинчи. Чет мамлакатларнинг таникли ҳуқуқшунослари, сиёсатчилари, журналистлари, турли халқаро ташкилотлар ва тузилмаларнинг экспертлари томонидан бу борада билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармойишига мувофиқ тузилаётган ишчи гуруҳининг энг муҳим вазифаси мана шу барча материалларни умумлаштириш ва тизимлаштиришдан ҳамда уларнинг негизида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларининг амалга оширилишини таъминлайдиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқишдан ҳамда мазкур ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этишдан иборатдир.

Фармойиш ўз вақтида қабул қилинганлиги равшан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги Фармони ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Фармойиши ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгилаб берган бўлса, Олий Мажлис ушбу масалалар бўйича тегишли қонунларни қабул қилиши учун мазкур ҳужжатлар қабул қилингандан кейин ўтган даврда кўтарилган муаммоларни, қонун ижодкорлигининг янги соҳалари ҳамда йўналишларини умумлаштириш ва ҳисобга олиш зарур.

Аҳоли, жамоатчилик, эксперт ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари кенг миқёсда инобатга олинишини назарда тутувчи фақат шундай демократик ёндашувгина Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ қонунларни қабул қилиш борасидаги чуқур ўйланган, пухта ва изчил ишларни таъминлаши мумкин.

БОРИГА БАРАКА

Бир-икки кузатдим, набирамиз Ҳуснидин ғалати одат чиқарди. Ҳар гал эрталабки чой устида тандирда ёпилган иссиқ нон сўрайди. Дўкондан келтирилган буханкали нонни хуш кўриб емайди. «Нега бунақа қиласан?» десам, иштаҳаси йўқлигини баҳона қилади. Унга у-бу деб кўрдим, бўлмади. Ноннинг барчаси бирдек табарруқ эканлигини уқтирдим, рўйхуш бермади.

Ёш бола, қаттиқроқ гапирсам кўнгли озор топади. Бир куни уни ёнимга чақирдим. Табиийки суҳбатимиз мавзуи нон, бу неъматни эъзозлаш ҳақида борди. Унга ёшлигимдаги бир воқеани гапириб бердим.

—Оғир уруш йиллари эди ўшанда. Нон танқис, қорнимиз тўймасди. Ҳар бир оилага карточка билан маълум миқдорда нон беришарди. Оиламиз катта бўлгани учун онамиз тақсимлаб берган нонни худди қўлимиздан бировлар олиб қўядигандек, шошиб-пишиб ердик. Раҳматли онамиз термилиб ўтирардиларда, ўз улушларини ҳам биз фарзандларига узатардилар. «Ўзингиз нега емайсиз?» десак, «Сизлар ея қолинглар, ош бўлсин, мен эрталаб отангиз билан тўйиб чой ичиб олганман», дея кўзларидан ёш тўкардилар.

Қўшнимиз Карим аканинг негадир менга ихлоси баланд эди. Унинг оиласида ҳаммаси бўлиб уч жон яшарди. Аёли, ўзи, қизи. Бунинг устига Карим ака темирйўлда ишларди. Ҳар қалай, бу оила бизга нисбатан тўқроқ яшарди. Шунинг учун мен ҳар куни атайлаб унинг йўлини пойлардим. Карим ака дўкондан ўзига тегишли нонни олиб қайтаркан, албатта йўлда мени учратиб бошимни силаб эркаларди. Қўлидаги нондан бир бурдасини синдириб менга тутарди. Ҳеч кимга билдирмай, маза қилиб еб олардим.

Бир куни гапдан ган чиқиб, Карим ака кула-кула дадамга шу ҳақда гапириб берибди. Дадам орияти кучли одам эди. Уйдаги гапни кўчага чиқаргиси келмасди. Кечқурун бирдан мени қулоқ чўзма қила кетди. Сабабини кейин тушундим. Жавдираб туришимга раҳми келди шекилли деди:

—Болам, ҳеч қачон бировнинг насибасига кўзингни олайтирма, борига қаноат қилгин. Бу кунлар ўткинчи, фақат сабр-бардош керак. Нонни қорнимиз тўйиб ейдиган дориломон кунлар келади.

Отамнинг эзилиб юракдан айтган гапи менга қаттиқ таъсир қилди. Ўша-ўша Карим аканинг йўлини пойламайдиган бўлдим.

Бир куни Карим ака билиб-билмай оғзидан гуллаб қўйганидан пушаймон бўлиб уйимизга келди. Ҳамма ишда. Ҳовлида ёлғиз ўзим.

—Ҳа, тойчоқ,—деди у менга жилмайиб,—кўринмай қолдинг? Ишқилиб мендан хафа эмасмисан?

Бош қимирлатиб йўқ дедим. У қўйнидан бир бўлак нон чиқариб менга узатди.

—Ол, шу сенинг насибанг, еб олақол.

—Йўқ, у мениқи эмас, сизнинг насибангиз,—дедим отамнинг гапини эслаб.

—Ҳар куни тутадиган ноним сенинг насибанг эди болам. Худо одамларнинг насибасини мана шунақа ҳар жойга сочиб қўяди. Фақат рози бўлиб берилса бас. Мен мингдан мингга розиман.

Карим аканинг кўнгилдан айтган гапидан йиғлаб юбордим. Лекин ҳар қанча уринмасин нонини олмадим. Карим ака уни токчамизга қўйиб, индамай чиқиб кетди. Ана ўшандан бери нон мен учун энг азиз неъмат. У хоҳ оқ, хоҳ қора, қаттиқ-қуруқ бўлсин, хор қилмай ушоғини ҳам кўзимга суртаман. Мен учун нон бўлса бас, уни танлаб ўтирмайман.

Шу сўзлардан кейин набирам лом-мим демай ўрнидан туриб кетди. Кейин эшитсам у момосига: «Бувамга айтинг, мен нонкўрлик қилган эканман, энди бу одатни такрорламайман» дебди.

Ҳозир бир ойдан бери кузатаман. У нон танламайди, борига барака қилиб, еб-ичиб кетаверади. Илоҳим охиригача шундоқ бўлсин.

КЕЧИРАСАН, БОРОЛМАЙМАН

Бировни кутишдан ёмони йўқ. Албатта буни қадрдонини ёки яқин севимли кишисини зор-интизор қилиб соатлаб кутганлар яхши билади. Ваъда берсангу, айтилган вақтда, белгиланган жойга келмасанг, бу ҳам бир лафсизлик саналади. Узрли сабаб бўлса хўп, бўлмаса ундан ёмони йўқ.

Яқинда ўзим билан шундай воқеа бўлиб ўтди. Табиб табиб эмас бошидан ўтган табибда. Кутишнинг нақадар оғир ва машаққатли эканини ана шунда яна бир бор ҳис қилдим.

Узоқ кўринмай кетган бир мактабдош дўстимни йўлда тасодифан учратиб қолдим. Кўришдик, суҳбатлашдик. Шунда у кутилмаганда бир таклиф киритди.

—Менга қара, кўришмаганимизга анча бўлди. Бир бафуржа ўтириб суҳбатлашайлик. Бугун чоршанба, индинга жума куни кўришсакда Хумсонга икки кунга чиқиб кетсак, танишлар кўп. Бир жойга ўрнашиб мириқиб суҳбатлашсак нима дейсан?—деб қолди. Табиийки бу гап менга ҳам маъқул тушди. Кекса бўлгандан кейин шу-да. Қиладиган муҳим ишинг бўлмагач, бунақа иссиқ кунларда жаннатмакон ўлкамизнинг соясалқин жойларида дилтортар дўстлар билан ҳамсуҳбат бўлганингга нима етсин. Розиликка рози бўлдиму, лекин бир масала мени ўйлантириб қўйди. У ҳам бўлса транспорт масаласи эди. Шу ҳақда оғиз очган эдим дўстим:

—Бунисидан ташвиш тортма. Машина мендан. Бироз юрилган бўлса ҳам «Тико» машинам бор, ўшанда кетамиз. Фақат майда-чуйда олиб олсак бас,— деди.

Келишдик. Харажатни мен бўйнимга олдим. Учрашув жойи, вақтини белгилаб хайрлашдик.

Эртасига набирам билан сафар ҳозирлигини кўрдик. Бозор-ўчар қилдик, хуллас икки кунга етарли маҳсулотларни ғамладик. Жума куни набирам машинаси билан учрашув жойимизга мени, «юкларим»ни туширгани кетди.

Соатга қарасам кўришишимизга ўн беш дақиқа вақт бор. Бекатдаги ўтирғичга ўтириб, дўстимнинг келишини кутдим. Белгиланган вақт бўлди, келмади. Иккала кўзим бирин-кетин ўтаётган «Тико» машиналарида. Тағин нари-бери ўтиб кетмасин деймандаки. Орадан ўн дақиқа, ўн беш, йигирма, хуллас ярим соат ўтди келмади.

Яхши ҳам ўша куни дўстимнинг телефон рақамини ёзиб олган эканман. Ёнимда автобус кутиб ўтирган йигитдан илтимос қилиб унинг қўл телефонида дўстимнинг уйига қўнғироқ қилдим. Гўшакни аёл киши олди.

—Бу Баҳодирларнинг уйими?

«Ҳа» жавоби келгач сўрадим.

—Баҳодир уйдами?

—Уйдалар, эндигина дам олаётган эдилар. Нима деб қўяй?

—Нега дам олади? Ахир мен уни кутиб турибманку, уйғотиб айтинг.

Шундан кейин аёл анча йўқ бўлиб кетди. Бироз ўтиб ғўнғир-ғўнғир овоз эшитилди.

—Ким? Йўқ чиқиб кетгандилар, билмадим деб қўя қолмадингми.

—Вой сиз уйда бўла туриб қандоқ йўқ дейман.

—Алё, эшитаман.

—Баҳодир, бу менман. Танидингми, кутиб турибман.

—Ие, шунақами? Роса сени ташвишга қўйибманда. Қара мазам қочиб қолди. Шуни бошқа кунига қолдирсак.

—Қачонга?—атайлаб сўрадим мен.

—Эртага шанба кунига. Соат ўнга. Ўша жойда.

—Яхши, келишдик.

Хуллас бир машина ёллаб «юкларим»ни ортиб уйга қайтдим. Алам қилганидан уйдагилардан изза бўлганимдан атайлаб эртасига белгиланган жойга бормадим. Дўстим ҳам кутишнинг азобини бир татиб кўрсин.

Кечқурун телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам Баҳодир. Энди ундан узр сўрамоқчи бўлиб турган эдим, бирдан ўзи гап бошлаб қолди.

—Кечирасан, дўстим. Сенинг олдингда уятли бўлдим. Зарур ишим чиқиб боролмай қолдим. Хафа бўлма. Эрталаб саҳарлаб йўлга чиқамиз.

Бора олмаслигимни айтиб гўшакни жойига қўйдим.

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

ЎЗ-ЎЗИ ЎРГАНИБ ДОНО БЎЛАР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ярамас кишилар оқ кўнгил одамларга хусумат қилиб, уларга туҳмат тошини отадилар. Атрофга номард шоҳидларни йиғиб, ўз туҳматларининг «ҳақ» эканлигини «исбот» қиладилар. Бу ҳақда қуйидаги ҳикоят машҳурдир.

ИТ ВА ҚЎЙ ҲИКОЯТИ

Бир ит қўйга туҳмат қилиб, бир маҳаллар унга бугдой берганини даъво қилди ва исбот учун гувоҳ сифатида бўри, калхатни олиб келди. Қўй ночор қолиб, «қарз»ни тўлаш учун жунини сотишга мажбур бўлди.

БУРГУТ ВА ТУЛКИ ҲИКОЯТИ

Бир бургут билан тулки ўзаро дўст бўлиш учун аҳду паймон қилдилар. Бир куни тулки болаларига овқат топиб келиш учун йўлга тушди. Фурсатни ғанимат билган бургут унинг уйига келиб, болаларини еб кетди. Бу ишни бургут қилганини сезган тулки қасамёд қилиб: «Жоним омон экан, тез фурсатда ундан ўч олажакман!» —деди:

Ногоҳ бургут болаларини боқиш учун одамлар қўй сўйиб, кабоб қилаётган жойдан бир бўлак гўштни ўғирлаб, уйига олиб келди. Гўшт билан бирга кичкинагина чўғ ҳам ёпишиб келган эди. Кўп ўтмай ёнғин чиқиб, ҳали парвозга кирмаган бургут болаларини куйдириб юборди. Ўч олиш пайида ҳар куни дарахт остида пойлаб ётган тулки кабоб бўлиб ерга тушган бургут болаларини ўйнаб-ўйнаб олди.

Софдил ва покиза ниятли кишилар доимо ўзларига ўхшаган яхши одамлар билан суҳбатдош бўладилар. Яхши киши ёмон улфатларга қўшилиб қолса, бора-бора уларнинг хулқига ўрганиб, ёмонга айланади. Шуни унутмаслик керакки, оқил кишилар бировга баҳо бераётган кишининг дўстлари ким ва қандай одамлар эканлигини суриштириб, шунинг ўзидаёқ кишининг яхши ёки ёмон эканини билиб оладилар. Бунга қуйидаги масал яхши далилдир.

ДЕҲҚОН ВА ЛАЙЛАК ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ

Бир деҳқон ўрдак ҳамда бошқа қушларни овлаётган эди. Ногоҳ содда табиатли лайлак қўлга тушиб қолди. Бечора зор-зор йиғлаб ўзини озод қилишини, ота-боболари доимо одамзодни ҳурмат қилиб келганини, заҳарли ва заярли жониворларни йўқотишда одамларга ёрдам қилиб келганлигини айтиб, такрор-такрор илтимос қилди. Деҳқон унга: «Сенинг барча гапларинг тўғри, буни мен жуда яхши биламан. Лекин сен ёмон улфатлар билан суҳбатдош эдинг, демак сен ҳам уларга шериксан!» деди.

Ҳар бир инсон қудрати ва истеъдоди кўтарадиган ишга қўл урмоғи керак. Ўз ақлу идроки ва кучига қараб иш тутмаган киши эл орасида кулгу бўлиб қолади. Чунончи, бу ҳақда қуйидаги ҳикоят машҳурдир.

БУРГУТ ВА ҚАРҒА ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ

Бир бургут қўйнинг боласига ҳамла қилиб, чангали билан кўтариб, учиб кетди. Буни кузатиб турган ўрмон қарғасининг ҳаваси жўш уриб кетди ва бургутга тақлид қилмоқчи бўлиб, ўтлаб юрган қўйга чанг солди. Бироқ панжалари қўйнинг жунига илиниб қолиб, қанча уринмасин чиқара олмади. Чўпон келиб, уни тутиб олди ва болаларига ўйин қилиб бериш учун уйига олиб кетди. Болалар қарғани кўриб отасидан: «Бу қушнинг номи нима?» деб сўрашди. Отаси: «Унинг оти қарға эди. Бироқ бундан ярим соат олдин ўзини бургут деб тасаввур қилди. Мана энди у ўзининг ким эканлигини билиб турган бўлса керак!» деб жавоб берди.

Баъзи аҳмоқ ва олчоқ кишилар ўзларидан кучлироқ ёки муттаҳамроқ одамни кўрсалар, дамлари ичига тушиб, тезроқ қочиб қолишга ёки лаганбардорлик қилишга киришадилар. Аммо мулойим ва юмшоқ табиатли кишиларни кўрганда «паҳлавонлиги» қўзиб, бекордан-бекорга уларни хафа қиладилар ва беҳуда ўшқирадилар. Бунга қуйидаги ҳикоят мисолдир.

ҚЎЙ ВА ҚАРҒА ҲИКОЯТИ

Бир қарға қўйнинг тепасига қўниб олиб, овозининг борича қағиллай бошлади. Қўй унга: «Эй қарға, итга ҳеч қачон шундай муомала қилмаган бўлардинг!» деди. «Албатта-да, — қичқирди қарға, — мен жанжал кўтарадиган кишилар олдида доим хомуш тураман. Аммо сенга ўхшаган аҳмоқларга дуч келсам, ўзимни кўрсатиб қўяман!».

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ, КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тошкент Почтамти» филиали Сиздан хат-хабарларга ўз вақтида ишлов беришни, жўнатиш ва етказиб беришни таъминлаш мақсадида уларни жўнатиш учун белгиланган тарифларга қатъий амал қилишингизни сўрайди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича қуйидаги тарифлар 2006 йил 10 февралдан амалга киритилган:

Оғирлиги	Хатлар		Бандероллар	
	Оддий	Буюртма	Оддий	Буюртма
20 граммгача	45	90	45	120
20 граммдан 100 граммгача	55	100	55	130
100 граммдан 250 граммгача	95	140	95	170

МДҲ давлатларига қуйидаги тарифлар 2005 йил 1 сентябрдан амалга киритилган:

Оғирлиги	Хатлар, бандероллар		Хатлар, бандероллар	
	Ер усти транспорти		Ҳаво транспорти	
	Оддий	Буюртма	Оддий	Буюртма
20 граммгача	200	490	250	540
20 граммдан 100 граммгача	410	700	580	870
100 граммдан 250 граммгача	1540	1830	2155	2445

Чет эл давлатларига қуйидаги тарифлар 2005 йил 1 сентябрдан амалга киритилган:

Оғирлиги	Хатлар, бандероллар		Хатлар, бандероллар	
	Ер усти транспорти		Ҳаво транспорти	
	Оддий	Буюртма	Оддий	Буюртма
20 граммгача	250	680	350	780
20 граммдан 100 граммгача	720	1150	1010	1440
100 граммдан 250 граммгача	1890	2320	2640	3070

Кўрсатилган тарифларга амал қилинмаган, яъни кам ёки кўп марка ёпиштирилган хатлар жўнатиш учун қабул қилинмайди ва почта қутиларида қолдирилганлари қайтарилади.

Тарифларнинг қўлланилиши тўғрисидаги тўлиқ маълумотни Тошкент шаҳридаги барча почта алоқа бўлимларида ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

133-40-49, 133-43-67, 133-74-05

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Тошкент Почтамти» филиали маъмурияти

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундириш-лик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг очиқ ким ошди савдоси ўтказилади.

2006 йил 14 июл куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

1. «КИА Соренто» автомобили, 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 4499, бошланғич нархи 35000000 сўм, техник соз-Юнусобод-549/4;
2. «Хундай Гранжер» автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 4425, бошланғич нархи 15000000 сўм, техник соз-Юнусобод-550/4;
3. «Ауди А 6» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 М 3686, бошланғич нархи 25000000 сўм, техник носоз-Юнусобод-568/4;
4. «ДЭУ Супер Салон» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 226, бошланғич нархи 15000000 сўм, техник носоз-Юнусобод-654/4;
5. «ДЭУ Супер Салон» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АН 219, бошланғич нархи 15000000 сўм, техник носоз-Юнусобод-656/4;
6. «ДЭУ Леганза», 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 9000000 сўм, техник соз-Юнусобод-655/4;
7. «Газ-2411» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 4111, бошланғич нархи 320000 сўм, техник носоз- Миробод-248/4;

Ким ошди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафтанинг душанба, чоршанба, жума кунлари соат 14.00-дан 18.00-га қадар ишчи гуруҳи вакиллари томонидан амалга оширилади ва ким ошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади. Ким ошди савдосида иштирок этиш учун автомототранспорт воситаси сақланаётган туман суд ижрочилари бўлинмасининг депозит ҳисоб рақамига автомототранспорт воситасининг бошланғич нархидан 10% тўланиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 142-80-11, 134-58-35.

Тақдимот

БОЙИТИЛГАН УН — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ИНСОН СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, АЙНИҚСА ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР СОҒЛИҒИ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА КЎП САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Хусусан, қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган кўрик-танловлар, учрашув ва семинарлар ҳам шу мақсадга қаратилган. Куни кеча «Рэдиссон САС» меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Унни бойитиш бўйича миллий дастур» кўрик-танловининг тақдимот маросими ҳам айнан инсонлар соғлиғини муҳофаза қилиш йўлида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигидаги хайрли ишлар маҳсулидир.

Маълумки, темир моддаси инсон организмининг ҳар бир ҳужайрасида мавжуд бўлиб, у организм бўйлаб кислород ташишда жуда муҳим роль ўйнайди. Агар инсон етарли миқдорда озиқ моддалари ва маъданларга эга бўлмаса, бу албатта унинг саломатлигига салбий таъсир қилади ва камқонлик касалига чалинади. Бу касаллик организмда темир моддасининг танқислиги туфайли юзага келади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, республикамизда микроэлементлар танқислиги муаммосини ҳал қилиш масаласига катта эътибор бериляпти. 2001-2003 йиллар давомида Ўзбекистонда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда JFPR 9005 номли лойиҳа амалга оширилган бўлиб, унинг доирасида 14 та ун ишлаб чиқарувчи корхоналарда унни витамин ва минераллар билан бойитадиган махсус мослама — дозаторлар ўрнатилган. Унни бойитиш бўйича миллий дастур Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан 2003 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси минтақадаги мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб ушбу дастурни амалга ошириш учун озиқланишни яхшилаш бўйича глобал альянс томонидан ажратилган 2,8 миллион доллар миқдордаги грантга эга бўлди. Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» АЖ, ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки томонидан амалга оширилмоқда. Юртбошимизнинг «Унни бойитиш бўйича миллий дастурни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ оммавий ахборот воситаларида мазкур дастурнинг аёллар ва болалар саломатлигига ижобий таъсири кенг ёритиб келинмоқда.

Энди бевосита бўлиб ўтган танлов натижаларига тўхталадиган бўлсак «Унни бойитиш бўйича миллий дастур»нинг журналистика, телевидение ва радиоэшиттириш соҳасидаги биринчи кўрик-танловига республика ва маҳаллий ОАВ вакилларининг 130 дан ортиқ ишлари, жумладан телевизион ва радиодастурлар, мақолалар ва фотосуратлар тақдим қилинди. Журналистларнинг маҳоратлари ва мавзуни ёритишдаги ижодий ёндашувлари олий малакали мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилиб учта йўналишда ғолиблар аниқланди.

Ғолиб журналистларга қимматбаҳо совғалар — компьютерлар, видео ва фотокамералар, уяли телефонлар ва диктофонлар топширилди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, мазкур кўрик-танловни ҳар йили ўтказиш режалаштирилган бўлиб, унинг иккинчи босқичи шу йилнинг июль ойида бошланиб, натижалари 2007 йил январь-февраль ойларида кўриб чиқилади. Халқ саломатлиги йўлидаги ҳар бир хайрли ишга ҳисса қўшиш эса ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Мунажжим башорати

1 ИЮЛЬ, ШАНБА
МУНАЖЖИМЛАР ЭЪТИРОФИГА КЎРА, БУГУН ТУЗИЛГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ ШАРТНОМА ВА БИТИМЛАР ХАЙРЛИ БЎЛИШИ КУТИЛАДИ. МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИМЗОЛАШ МУМКИН. САВДО-СОТИҚ ВА ТИЖОРАТ АМАЛИЁТЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ МАНФААТЛИ БЎЛАДИ. ЗАРГАРЛИК БУЮМЛАРИ ВА ҚИММАТБАҲО ТОШЛАРДАН ЯСАЛГАН ЗЕБ-ЗИЙНАТЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ ҲАМ ЯХШИЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

Ерда ишлаш, деҳқончилик, боғбонлик ишлари билан машғул бўлиш, уй ҳайвонларини парваришлаш самарали бўлади. Паррандалар ва итларни озиқлантириш, садақа бериш, беморларга ғамхўрлик қилиш керак. Муҳаббат ва яраш битимлари учун ҳам бугунги кун хайрли ҳисобланади.

Бугун буйракларингизни эҳтиёт қилинг, товуқ гўшти ва тухумини истеъмол қилиш мумкин эмас — бугун улар саломатлигингизга путур етказиши мумкин.

2 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА
МУНАЖЖИМЛАР БУГУНГИ КУННИ ПОКЛИК ВА ОЗОДАЛИК КУНИ, ДЕЯ ТАВСИФЛАШГАН. ОДАТДА БУГУН СУВ МАНБАЛАРИ – БУЛОҚ ВА ҚУДУҚЛАР, СУВ ҲАВЗАЛАРИНИ ТОЗАЛАШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИЛАДИ. СУВНИ ИФЛОСЛАНТИРИШ ЭНГ ОҒИР ГУНОҲЛАР ҚАТОРИГА КИРАДИ. ҚУДУҚ ВА БУЛОҚЛАР СУВИГА, ДАРЁ ВА АРИҚ, АНҲОРЛАРГА ТУФЛАБ БЎЛМАЙДИ. СУВГА КИМЁВИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЎКИШ ҲАМ МАН ЭТИЛАДИ.

Ҳар турли битимларни тузиш хайрли кечади. Қилаётган ҳар бир ишингизга ҳушёр ва қатъий ҳисобкитоб билан ёндошиш бизнесдаги ҳамкорларингиз билан мустаҳкам муносабатлар ўрнатилишига хизмат қилади. Бугунги битимлар мустаҳкам моддий заҳирага эга бўлишингизга олиб келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бугун тасодифан устингизга сув тўкилиши ёки ёмғирда қолиш касалликлардан халос бўлишингизни билдиради. Идиш-товоқларнинг синиши эса, синиш ва алдовларга учрашингиз мумкинлигидан огоҳлантириш ҳисобланади.

3 ИЮЛЬ, ДУШАНБА
МУНАЖЖИМ М.СМИРНОВА БУГУН БАРЧА МУҲИМ ИШЛАР, УЧРАШУВЛАР ВА МУЗОКАРАЛАРНИ КУННИНГ ИККИНЧИ ЯРМИГА КЎЧИРИШНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ. ЯНА ҲАМ АНИҚРОҒИ – СОАТ 16.30 ДАН КЕЙИНГИ ВАҚТГА БЕЛГИЛАШ ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИ. ЗЕРО, МУНАЖЖИМ КУННИНГ ШУ ЯРМИНИ ОМАДЛИРОҚ ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.

Бугун қатъий тартиб ва қоидаларга риоя этган ҳолда режа асосида яшаб бўлмайди – ҳамма нарса 180 фоиз тескариси бўлиб чиқиши мумкин. Олис сафарларга чиқмай, ўз уйингизга яқин жойда бўлганингиз маъқул. Дармонсиз кишилар эса, бугун кўпроқ дам олиб, ётиб ухлаганлари маъқул.

Кечқурун меҳмонларни таклиф этиш, ўзингизга ёққан улфатлар даврасида бўлиш фойдали. Шунингдек, табобат, биоэнергетик муолажалар билан шуғулланиш хайрли бўлиши кутилади. Йога, жанговар санъат турлари билан машғул бўлиш саломатлигингиз мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Аломатлар ва ҳар турли белгиларга бугун кўп ҳам эътибор бераверманг. Лекин устингизга дарахт барглари тушиши эзгуликларга ишора ҳисобланади.

Марказда жойлашган квартирани суткали топшираман.
Т: 157-62-48

Газетанинг навбатдаги сони 4 июлда чиқади

IPOTEKA BANK



ПУЛИНГИЗ ҲАРАКАТДА БЎЛСИН

"Коммунал" омонати	йиллик 24 фоиз	12 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади (фоизлар олдиндан ҳисобланиб, коммунал тўловлар учун юборилади)
"Истиқбол" омонати *(фоиз капитализация қилинади)*	йиллик 22 фоиз	2 ойлик муддатга
"Жозиба" омонати	йиллик 21 фоиз	3 ойлик муддатга
"Адолат" омонати	йиллик 20 фоиз	6 ойлик муддатга (фоизларни ҳар ойда олиш мумкин)
"Антиқа" омонати *(фоизлар капитализация қилинади)*	йиллик 22 фоиз	1 ойдан 3 ойгача муддатга
	йиллик 21 фоиз	3 ойдан юқори 6 ойгача муддатга
	йиллик 20 фоиз	6 ойдан юқори 12 ойгача муддатга
"Пластик карточка"	йиллик 16 фоиз	муддатсиз (фоиз қолдиқ суммага ҳисобланади)

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 132-13-18,
(8-371) 133-31-62.
info@ipotekabank.uz

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

